



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 09 | pp. 315-321 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ЛОГИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ МОҲИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ



Режапов Хайрулло Хикматуллаевич

Ўзбекистон Миллий университети

«Молия ва кредит» кафедраси мудири, DSc, доцент

Холмўминов Хумоюн Одил ўғли

Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада логистик хизматларнинг назарий асослари ёритилган бўлиб, бунда унинг иқтисодий моҳияти, бошқа соҳалар билан алоқадорлик жиҳатлари, иқтисодиётда тутган ўрни ёритилган. Шунингдек, мақолада логистик хизматларнинг пайдо бўлиши, унга бўлган назарий қарашлар ва ривожланиш босқичлари ҳам ўрганилган.

Калит сўзлар: Логистика, логистик жараёнлар, интеграциялашув, логистик занжир, логистик функциялар, ишлаб чиқариш.

Аннотация: В данной статье описаны теоретические основы логистических услуг, их экономическая природа, аспекты связи с другими отраслями и их роль в экономике. Также в статье рассматривается возникновение логистических услуг, теоретические взгляды и этапы развития.

Ключевые слова: Логистика, логистические процессы, интеграция, логистическая цепочка, функции логистики, производство.

Abstract: This article supports the theoretical framework of logistics services, in addition to other security related aspects. Also, in the article, the emergence of logistics services, the views and development sections that are noteworthy for it are all set.

Key words: Logistics, logistic processes, integration, logistic chain, logistic functions, production.

Кириш. Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатларда, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, ҳамда транспорт логистика хизматлари бозорини самарали бошқариш долзарб аҳамиятга эга. Янги Ўзбекистонда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида транспорт коммуникацияларини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида “транспорт ва логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш, темир йўл инфратузилмасини электрлаштириш даражасини 60 фоизга етказиш ва автомобиль йўллари тармоғини жадал ривожлантириш, транспорт соҳасида ташқи савдо учун «яшил коридорлар» ҳамда транзит

имкониятларини кенгайтириш ва транзит юк ҳажмини 15 млн тоннага етказиш” каби устувор вазифалар белгиланган[1]. Шу жиҳатдан, логистиканинг назарий асосларини англаш унинг ривожланиш бошқичларини тадқиқ этиш жуда ҳам муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот ва натижалар. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув ва иқтисодий интеграциялашув жараёнларининг авж олиши давлатлар ўртасидаги савдо алоқаларининг кенгайтиришига олиб келди. Ушбу жараён, биринчидан, транспорт хизматлари фаолиятини ривожлантириш, шунингдек, янги арзон ва қисқа трансконтинентал транзит коридорларини шакллантиришни талаб этаётган бўлса, иккинчидан, минтақа мамлакатларининг жаҳон транспорт-логистика тизими билан туташувчи транспорт тизимларини ўзаро мувофиқлаштиришни, учинчидан, транспорт хизматларини интеграциялашган тизим сифатида ўрганиш ва уни самарали бошқариш жараёнларидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларга таъсир кўрсатувчи омилларни белгилаш ва логистика хизматлари фаолиятини бошқариш самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, логистика транспортда маҳсулот ташиш, ортиш тушуриш, омбордаги кириш - чиқим ҳисобларини юритишдан ташқари маҳсулотни охириги истеъмолчисига етказиб бергунга қадар ҳаракат тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш асосида бошқариш тушунилади.

Шу ўринда аввало логистиканинг пайдо бўлиш назариясига эътибор қаратилса, унинг тарихий илдизлари узоқ даврларга тақалишини кўриш мумкин. Қадимги Грецияда логистика ҳисоблаш санъати сифатида талқин қилинган. Кўпгина манбаларга эса «Логистика» аслида юнонча сўз бўлиб, ўзбекчада ҳисоблаш, муҳокама санъати маъноларини билдиришини, амалда математик мантиқни, шунингдек, инсон фаолиятининг у ёки бу соҳасини моддий-техник таъминлашни бошқариш тизимини англатиши баён этилган.

Мазкур тушунчанинг пайдо бўлиши, ривожланиши узоқ даврларга бориб тақалиб, озиқ-овқатларни тақсимлаш маъносида ишлатилган. Бундан ташқари логистика тушунчаси ҳарбий ишга ҳам боғлиқ бўлиб, қадимги Грециянинг озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимловчи ҳарбий хизматчиларга нисбатан ишлатилган. Қадимги Римда баъзи бир маъмурий ва диний вазифаларни бажарувчи амалдорлар «логист»лар деб аталган. Византия императори Лев VI (866-912 йиллар) даврида логистика армияни таъминлаш ва унинг кўчишини бошқариш санъати сифатида таърифланган.

Немис тадқиқотчиси Г.Павеллик таъкидлашича Византия империясида логистларнинг асосий вазифалари «армияга маош тўлаш, уни керакли тартибда қуроллантириш ва тақсимлаш, уни эҳтиёжлари ҳақида ўз вақтида ва тўлиқ даражада ғамхўрлик қилиш яъни шахсий қуроли кукчалар ҳаракатланиши ва тақсимланишига раҳбарлик қилишдан» иборат бўлган. «Логистика» сўзи барча асосий увропа тилларида мавжуд, аммо улардан ҳар хил маъноларда фойдаланилади. «Логистика» атамасидан машҳур олимлар, файласуфлар, саркардалар ўз асарларида фойдаланганлар. Буюк немис математиги Г.В.Лейбнис (1646-1716 йиллар) бу атамадан «хулосаларни ҳисоблаш» ёки «математик мантиқ» маъносида фойдаланган [2]. XIX асрда бу атамадан келиб чиқиши шветсариялик

бўлган таниқли ҳарбий назариячи ва тарихчи Антуан Анри Жомнин (1779-1869 йиллар) ўз асарларида фойдаланган. 1813 йилдан бошлаб у Россияда Александр И нинг штабида ишлаган, 1826 йилда Инфонтерия генерали унвонини олган. Николай И нинг ҳарбий маслаҳатчиси бўлган ва 1828 йилда яратиган Санк-Петербургдаги ҳарбий академиянинг асосчиларидан бири бўлган. Шахзода Аленксандр ИИ нинг шахсий ўқитувчиси бўлган, ҳақиқатдан ҳам унинг учун муаллифнинг логистика бўйича энг муҳим асари ёзилган ва кейинчалик у кўпгина тилларга таржима қилинган[3]. У логистиканинг режалаштириш, бошқариш, таъминлаш, қўшинларни жойлаштириш, жойини белгилаш, армияга транспорт хизматини кўрсатиш билан боғлиқ масалаларнинг кенг доирасини олувчи қўшинларни бошқаришнинг амалий санъати сифатида белгиланган.

Кейинчалик баъзи Ғарб давлатларида логистика аста-секин ҳарбий соҳадан хўжалик юритиш фаолияти амалиётида итшлатила бошлаган. Логистика ишлаб чиқаришни хом ашё ва материаллар билан таъминлаш, маҳсулотни ишлаб чиқариш, сақлаш ва тақсимлаш борасидаги илғор хўжалик амалиётини таъминловчи тизимга айланган. Кейинчалик моддий оқимларни режалаштириш ва бошқариш масалалари ҳарбий логистикада қўлланилган усуллар билан ҳал қилиниши мақсадга мувофиқлиги тан олинган. Шу тариқа мазкур тушунча турли мазмундаги назарий ва амалий билимлар билан тўлдирилган ҳолда ишлаб чиқариш, уни материал ва хом-ашё билан таъминлаш, маҳсулотларни сотиш (тақсимлаш) жараёнларида моддий оқимларни самарали бошқариш ва бунга эришиш учун эса тегишли молиявий ва ахборот оқимларини ҳам таъминлаш соҳаларини қамраб олган.

А.Н.Родников эса логистикага «моддий ва ахборот оқимларини биринчи манбадан якуний истеъмолчигача масофа ва вақтдаги ҳаракатини режалаштириш, ташкил қилиш, бошқариш, назорат қилиш ва тартибга солишдир» деб таъриф берган[4].

Шундай қилиб бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда 1930 йилдаги иқтисодий инқироз арафасида ва даврида вужудга келган материаллар ва хомашё билан таъминлаш, маҳсулотни илаб чиқариш, сақлаш ва тақсимлаш вазифаларини боғлай оладиган таъминлаш-ишлаб чиқариш-тақсимлаш тизимини интеграциялаш ғойфлорини илмий тадқиқотлар ҳамда хўжалик амалиёти шаклидаги мустақил йўналишга ўзгартирилган.


1950 йилларда моддий оқимларни тартибга солиш масаласи ҳарбий логистикада қўлланиладиган усуллар ёрдамида муваффақиятли ҳал қилиниши мумкинлиги тан олинган. У 1960-70 йилларда Японияда кўпроқ ривожланган, у ерда бошқариш ва хўжалик юритишнинг мураккаб тизимларини ишлаб чиқариш ва амалга оширишда асосий ўринни эгаллаган.

1970 йилларнинг бошларида бу атамани корхона моддий ресурсларини бошқариш фани сифатида белгилашга ҳаракат қилинган. 1980 йилларга келиб, хўжалик бошқарувини мувофиқлаштириш жисмоний тақсимлаш, яъни тижорат логистикаси усулларини ўрганиш ва қўллашни талаб қилган.

Аста секин логистика ва логистик бошқарув тушунчаси турли туман мазмунлар билан тўлдирилгин ишлаб чиқариш ва товар муомаласининг ҳар хил

соҳаларига кириб борди. Бунга техника ва технологиянинг кенг қўлланилиши ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмаси элементлари ва хўжалик юритиш интенсив усуллариининг ўзвсро ҳамкорликда ривожланиши таъсир қилган.

XX аср охирида логистика фанига харид қилиш (таъминлаш), ишлаб чиқариш, сотиш(тақсимлаш), транспорт, ахборот логистикасини олувчи фанга айланган. Инсон фаолиятининг санаб ўтилган соҳаларига етарлича ўрганилган ва тегишли адабиётларда баён қилинган. Логистик ёндашишнинг янгилиги эса санаб ўтилганлар ва фаолиятнинг бошқа соҳаларини исталган натижага оқимларни мувофиқ тўғри бошқариш йўли билан вақт ва ресурсларнинг энг кам харажатлари ёрдамида эришиш мақсадида интеграциялашдан иборатдир. Шундай қилиб, логистика аввало, истеъмолчиларга, уларнинг сўровларини кўпроқ қаноатлантиришга қаратилган ҳолда ишлайди. Тарихан олиб қараганда логистиканинг ривожланиш босқичлари 3 босқича бўлинади (1 расм)



1 расм. Логистик хизматларнинг ривожланиш босқичлари (Муаллиф ишланмаси)

Логистика эволюциясининг дастлабки босқичида ҳар бир жараён алоҳида олиб борилар эди. Яъни хом ашё етиштирувчи алоҳида, ишлаб чиқарувчи, сақлаш ва сотиш хизматлари алоҳида жараёнлар эди. Бу эса ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар учун катта меҳнат ва кўп вақтни талаб қилар эди. Кейинчалик ишлаб чиқаришнинг ошиши, янги техника ва технологияларнингнинг вужудга келиши янги иккинчи босқични бошлаб берди. Бу интеграциянинг ривожланишининг дастлабки босқичида ишлаб чиқарувчилар билан омборхона хизматлари ва бовқа жараёнларни бирлашуви соҳани янада ривожланиши ва кенгайтиришга сабаб бўлди. Шундан кейин технологияларни кескин ривожланиши, янги бозорларни кашф этилиши натижасида бугунги интеграциялашган замонавий логистика хизматлари вужудга келди. Бу замонавий логистиканинг асосий мақсади- молиявий ресурсларни ва ишчи кучини тежаган ҳолда маҳсулотни хомашё ҳолидан тайёр ҳолга келгунча бўладиган жараёнларни бирлаштириб тайёр маҳсулотни охириги истеъмолчга етказиб беришдир. Бугунги замонавий логистика бир нечта жараёнларни янгона логистик жараёнларга бирлаштириб бир нечта асосий функцияларни ўзида мужассам этади (2 расмга қаранг)



2-расм. Логистик хизматларнинг функциялари (Муаллиф ишланмаси)

Логистика харид, ишлаб чиқариш, омборхона, ташув, божхона расмийлаштируви ва бошқа функцияларни бирлаштиришга қаратилган. Интеграциялашган функция эса логистикада муҳим роль ўйнаб, у логистик занжир таъминотининг барча элементларини бир бутун сифатида бирлаштиришга қаратилган. Логистика таъминот занжирининг барча иштирокчилари ўртасида боғланиш унсури бўлиб хизмат қилади.

Логистиканинг ташкиллаштирувчи функцияси бу таъминот занжиридаги барча жараёнларни режалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ фаолиятдир. Бу функция логистиканинг интеграциялашган функциясининг ажралмас қисми бўлиб, у таъминот занжирининг барча иштирокчилари ўртасидаги самарали ҳамкорликни таъминлайди.

Логистиканинг бошқарув функцияси бу таъминот занжиридаги барча жараёнларни режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш орқали уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган фаолиятдир. Бу функция логистиканинг интеграциялашган ва ташкилотчилик функциялари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни бирлаштириб, таъминот занжирининг барча босқичларидаги жараёнларни бошқаришни таъминлайди[5]. Шу билан биргаликда логистиканинг бир қанча функционал йўналишлари бўлиб, булар унинг фаолият доирасини аниқлайди ва қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади:

1. Таъминот логистикаси

Таъминот логистикаси хомашуо, материаллар, бутловчи қисмлар ва бошқа ресурсларни таъминлаш билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади. Бу ерда харид, транспорт, божхона расмийлаштируви, омборда сақлаш ва бошқа жараёнлар амалга оширилади.

Харид: Зарур ресурсларни энг яхши нархда ва сифатда харид қилиш.

Транспорт: Харид қилинган ресурсларни ишлаб чиқариш жойига етказиб бериш.

Омборда сақлаш: Харид қилинган ресурсларни омборда сақлаш ва уларнинг ҳисобини юритиш.

2. Ишлаб чиқариш логистикаси

Ишлаб чиқариш логистикаси ишлаб чиқариш жараёнидаги материаллар ва маҳсулотларнинг ҳаракатини ташкил этиш билан боғлиқ. Бу ерда ишлаб чиқариш жараёнидаги барча босқичлардаги материаллар оқимини бошқариш, ишлаб

чиқариш ускуналарини жойлаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнини оптимизациялаш муҳим аҳамиятга эга.

3. Тақсимлаш логистикаси

Тақсимлаш логистикаси тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади. Бу ерда омбордан юклашни ташкил этиш, транспортни танлаш, етказиб беришни амалга ошириш ва мижозлар билан ўзаро алоқани йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Омбордан юклашни ташкил этиш: Тайёр маҳсулотларни омбордан юклаб олиш ва транспорт воситаларига жойлаштириш.

Транспортни танлаш: Маҳсулотнинг тури, миқдори ва масофага қараб оптимал транспорт воситасини танлаш.

Етказиб беришни амалга ошириш: Маҳсулотни мижозга белгиланган манзил ва вақтда етказиб бериш.

4. Қайта қайтарилиш логистикаси

Қайта қайтарилиш логистикаси ишлатилган маҳсулотларни қайта ишлаш ёки утилизация қилиш билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади. Бу ерда ишлатилган маҳсулотларни йиғиш, ташиш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш бўйича ишлар амалга оширилади.

5. Ахборот логистикаси

Ахборот логистикаси таъминот занжиридаги барча иштирокчилар ўртасида ахборот алмашинувини таъминлаш билан боғлиқ. Бу ерда ахборот тизимларини яратиш, маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш муҳим аҳамиятга эга[6].

Логистиканинг функционал йўналишлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг барчаси таъминот занжирининг самарали ишлашини таъминлашга қаратилган.

Хулоса. Логистика – бу ривожланиб бораётган соҳа бўлиб унинг аҳамияти иқтисодийнинг барча соҳаларида ортиб бормоқда. Замонавий логистика мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш, харажатларни камайтириш ва рақобатбардошликни оширишга қаратилган. Бу соҳада олиб борилаётган илмий ёндашувлар соҳанинг янада ривожланишига хизмат қилмоқда. Соҳаниянда ривожлантириш учун соҳада янги инновацион бошқарув усуллари жорий этиш, соҳанинг инфратузилмасини тубдан ислоҳ этиб бу соҳада фаолият юритаётган корхоналарни ташкилий-иқтисодий томондан рағбатлантириш бу соҳани янада жадал ривожланиши учун хизмат қилади.

Фойдаланилган адабётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сонли фармони. // www.lex.uz.
2. Д.М. Умарова, М.А. Бўронова. Логистика, Ўқув қўлланма, Т.: Чўлпон номидаги НМЖУ, 2016, — 252 бет.
3. Ш.А.Бутаев, Қ.М.Сидиқназаров, А.С.Муродов, А.Ў.Қўзиёв. Логистика (ётказиб бериш занжирида оқимларни бошқариш). «Эхтретмум – ПРЕСС». Т.: 2012, 577 б.

4. Г.А.Саматов, Б.И.Камилджанов, Ф.Р.Галимова. Логистик бошқарув концепциялари ва моделлари. Т.: «Фан ва технология», 2015, 227 б.
5. Юсуфқононов, З., Равшанов, М., Камолов, А., & Камалова, Э. (2021, Апрель) Improving the position of the logistics performance index of 122 Uzbekistan. In E3S Web of Conferences (Vol. 264, p. 05028).
6. <https://www.linkedin.com/pulse/evolution-global-logistics-1900-2023-rpmmoves-ack5c>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

